

Фарғона шаҳри

2022 йил “ 6 ” июн

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фарғона вилоят ҳокимлиги “Кўқон” ЭИЗ Дирекцияси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Ф.Рахмонов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Хўжлик мас ширкати» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Ж.И.И.И.И. иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

1.Шартнома мавзуси

1.1.Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан “Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, Собиртепа массиви, Андархон чегара пости ёнидаги "Кўқон" ЭИЗ га тегишли бўлган 4,4 га ер майдонида "Савдо - логистика маркази” объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса махсус ҳисоб рақамидаги ажратилган маблағдан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 й. « 01 » июн кунги танлов ҳайъати йиғилишининг 89873 -сонли баёнига асосан жорий нархларда 497 000 000 (тўрт юз тўқсон етти миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан “ 15 ” кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “ 27 ” июн да буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3.Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан тасдиқланган ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг руҳсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоиз микдорида авансни ўтказди.

2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб китобида маблағ ажратилгандан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида қайтариб олинган бўлади.

6. Ишларни бажариш

6.1. Пудратчи лойиҳа-СНИП ишларига лойиҳа бош муҳандисни тайинлайди. Бош муҳандис лойиҳа-смета ҳужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат қилади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради.

7. Ишларни топшириш ва қабул қилиш

7.1. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четга чиқишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликларни аниқлагандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилади. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилади.

8. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9. Кафолатлар

9.1. Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиҳа-смета ҳужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди;

10. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

10.1. Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди. Пудратчи тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида қатнашишга мажбур.

10.2. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган

ки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун пудратчига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиҳа-смета ҳужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкӣ жавобгар ҳисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ зарар тўлиғича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг ҳулосаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкӣ имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарҳозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни сушт

ли натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, мачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.3.Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда адиришнома юборади.

13.3.Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

14.Алоҳида шартлар.

14.1.Мазкур шартнома Фарғона вилоят Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг юридик кучга кирилади ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

15.Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Бююртмачи”

"QO'QON ERKIN IQTISODIY ZONA DIREKSIYASI
Давлат унитар корхонаси
Манзил: Учкўприк тумани "QO'QONBOY QISHLOG'I
Тел./факс: + 998 93 971 14 68
Х/Р: 2320 2000 5007 6048 5001
СТИР: 304820733
ОКЭД-

Рахбар:  М.Ў.



“Хизмат кўрсатувчи”

Кўчмас Мулк Дизайн Лойиҳа ИШИ
МАРҶИЛОШ ШАХАР Б.МАРҶИЛОШИБ 19/32
Х/Р: 2020 800 000 5223 4670 01
МФО: 00991 ИИН: 307381907
Халқор Банк МАРҶИЛОШ Бўлими



Хуқуқий хулоса.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган.Шартномани имзолаш мумкин.

Юрист _____